# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2012 йил 7 август, № 154 (5574) Сешанба


# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!




***Юртимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Шанхай Халқаро тадқиқотлар академияси президенти Ян Цзэминь "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг ривожланиши ва мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган муваффақиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.***

## Ян Цзэминь: «Ўзбекистон — минтақадаги муҳим шерик»

— Хитой Ўзбекистонга минтақадаги муҳим шерик сифатида қарайди. Мамлакатингиз билан муносабатлар Пекин учун устувор аҳамият касб этади. Маълумки, сўнгги йилларда қатор муҳим икки томонлама ташриф ва учрашувлар бўлиб ўтди. Улар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янада чуқурлашиши ва кенгайиб боришига ҳисса қўшди.

Шуниси қувонарлики, мамлакатларимиз халқаро ва минтақавий даражадаги долзарб масалалар бўйича ўхшаш ҳамда яқин нуқтаи назарларга эга бўлгани ҳолда, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Жадал ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги сермаҳсул ҳамкорликнинг устувор жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистоннинг жуғрофий жиҳатдан қулай жойлашуви, бой табиий ресурслари ва тараққий этган саноати Хитой ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган тўғри йўл танлаб олинган. Замонавий ривожланган давлатлар сафига кириш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш сингари юксак мақсадларга эришиш йўлида мамлакат халқи давлат етакчиси атрофида жипслаша олгани алоҳида эътиборга лойиқ жиҳатдир.

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон тарихан қисқа муддат мобайнида ҳайратланарли муваффақиятларни қўлга киритгани ҳолда, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлай олди. Бугун мамлакатингиз улуғ байрам — ўз истиқлолининг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Яқинлашиб келаётган ушбу қутлуғ айём муносабати билан ўзбек халқига мустаҳкам тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ҳамда юксак тараққиёт тилайман, — деди хитойлик эксперт.

**«Жаҳон» АА.**

## Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий талаби

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида суд мустақиллиги таъминланиб, ушбу идора инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институти сифатида ўзини тобора кенгроқ намоён этаётир.*

### Муносабат

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, мазкур ҳужжат соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаради ва тизим ходимларининг масъулиятини янада оширади.

Судьялар меҳнати моддий таъминотига бундай эътибор қилиниши, уларнинг ижтимоий ҳимоясининг кучайтирилиши ҳар биримизга фахру ифтихор бахш этади. Бундай эътибор замирида катта маъно-мазмун мужассам. Зотан, судьялик касбида ишлаётган ходимлар одил судловни амалга оширадилар. Одил судлов эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш демакдир. Шундай экан, бу борада судьянинг мақоми, билими ва вазифасига муносабати билан бир қаторда, унинг моддий ва ижтимоий дахлсизлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, мазкур ҳужжатга мувофиқ, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг оптималлаштирилиши ҳақида Юртбошимиз томонидан тегишли идораларга топшириқ берилиши фуқароларнинг судга мурожаат қилишлари учун янада кенг имкониятлар яратади. Шу билан бирга, судлар фаолиятининг янада самарали бўлишига хизмат қилади.

Табиийки, соҳани малакали, етук кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам бугун долзарб ҳисобланади. Шу туфайли Фармонда юридик таълимни янада такомиллаштириш, ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари қамраб олинганлиги эътиборга сазовор.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг ушбу Фармони Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ҳамда таклифларни изчил рўёбга чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

**Гулнора МИРЗААЛИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси.**




## Оқила, зукко ва ишбилармон

**Аёлларимиз ана шундай таърифларга ҳам муносибдирлар.**

*Инсон манфаатлари олий қадрият ҳисобланган жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, одамларнинг орзу-интилишлари рўёби, уларнинг турмуш фаровонлигига қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Айниқса, истиқлол йилларида оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг қадри юксалиб, ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи янада ошди. Бу эса уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаол бўлиб, ташаббус кўрсатишга руҳлантираётгани айни ҳақиқат.*

Натижада бугунги кунга келиб, кўплаб соҳалар, хусусан, оилалар мустаҳкамлиги ва рўзғор тўкинлигининг асосий омили ҳисобланган тадбиркорликда хотин-қизлар иштироки кенгайиб, улар ижобий ютуқларни қўлга киритишаётгани алоҳида эътиборга молик.

Буларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганининг самарасидир.

### Истиқлол тенгдоши

Тадбиркорлик, одатда, қиз бола туғилган оила муҳитида шакллантирилади. Чунки бизда бўлғуси бекаларга рўзғор юритишдан ташқари, бирор ҳунарни пухта ўргатиш миллий қадрият даражасига кўтарилган. Бунинг замирида ёш оиланинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаши, дуч келиши мумкин бўлган мураккаб вазиятлардан осон чиқиб кетиши, рўзғор бутлигини таъминлашига муносиб ҳисса қўшиши каби эзгу ниятлар мужассам.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

**2012 йил 6 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисини шу йил 30 — 31 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, демократик янгилаш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда. Давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ҳамда вазифаларини, ўрта ва узоқ истиқболда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашлар яхлит тизимининг ҳуқуқий асосини тартибга соладиган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, хусусий мулк ҳуқуқини ва уни ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашга, дахлсизлигининг ишончли кафолатлари тизимини яратишга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, суднинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳамда жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида қонунийлик таъминланиши устидан назоратни амалга оширишда суднинг ролини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, кичик бизнес субъектлари барқарор ишлаши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб беришни, давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиши ҳолларининг олдини олишни назарда тутадиган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир.

Сенаторлар Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳри ва Фарғона тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ҳам кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида навбатдаги мажлис бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.*

## ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

Концепция парламентга давлат раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган.

Ҳужжатда ҳозирги халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларга Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари нуқтаи назаридан баҳо берилган. Унда давлат ташқи сиёсатининг асосий мақсади, принциплари, вазифалари, шунингдек, устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятини шакллантириш жараёнлари ва уни амалга ошириш механизмлари очиб берилган.

Концепция қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга ва давлатимизнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига асосланади ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига, шу жумладан, БМТ Уставига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки якунловчи актига мос келади.

Дунёда ва минтақамизда юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, халқаро ва минтақавий тараққиётнинг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг принципиал нуқтаи назарига мувофиқ, Концепцияда қуйидаги асосий қоидалар баён этилган:

Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги қуролли зиддиятларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди.

(Давоми 2-бетда).

## Оила ва маҳалла ҳамкорлиги

**кўплаб масалаларнинг ижобий ечимида ҳал қилувчи омилдир**

*Жамият тараққиётидаги энг муҳим ва устувор омиллардан бири, шубҳасиз, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳисобланади. Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни нечоғли катта бўлса, маҳалланинг иштироки ва аҳамияти ҳам шу қадар юксакдир.*

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Дарҳақиқат, кундалик турмушимизда уларнинг бирини иккинчисидан айри тасаввур қилиш қийин.

Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган "Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи" мавзуидаги республика конференциясида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг барча жабҳаларида оила ва маҳалла ҳамкорлигининг аҳамияти, истиқболи ҳамда ривожланиш тамойиллари хусусида сўз борди.

(Давоми 2-бетда).

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***Мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида чакана савдо айланмаси***

**12,5** **фоизга ўсди.**

## Чакана савдо айланмаси кўпаймоқда

Хизматлар кўрсатувчи маҳаллий корхоналарни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари доирасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг инфратузилмаси тубдан такомиллаштирилиб, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда кўплаб янги чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ташкил этилгани тизимда ана шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.

# ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конституцияга, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга ва Ҳарбий доктринага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинди.

ЎзЛиДеП фракцияси депутатлари шуни таъкидладиларки, Ўзбекистоннинг 20 йилдан ортиқ мустақил тараққиёти даврида ҳар томонлама пухта ўйланган ҳамда миллий манфаатларга асосланган, дунёда кенг эътироф этилган ва халқаро ҳамжамиятида мамлакатнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаган ташқи сиёсий йўли шаклланди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ўтган йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида эришилган амалий тажрибага таяниб, фаол, дадил ва мутаносиб ташқи сиёсий йўлни амалга ошириш талаб этилаётган XXI асрнинг тинимсиз ўзгариб бораётган халқаро сиёсий вазиятини ҳисобга олган ҳолда қурилмоқда.

«Адолат» СДП фракцияси вакиллари таъкидлаганидек, Концепцияда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, чегараларнинг дахлсизлиги ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, шунингдек, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик каби устувор принципларига содиқ бўлиб қолишига алоҳида ўрин берилган.

Муҳокамалар чоғида ЎзХДП фракцияси депутатлари Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидладилар. Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолади, минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди. Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё муаммолари ташқи кучлар аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзи томонидан ечилиши кераклиги тўғрисидаги нуқтаи назари аниқ баён этиб берилган.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидладиларки, ҳозирги босқичда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий вазифаларидан бири, Концепцияда назарда тутилганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашишдан иборатдир. Ҳужжатда Ўзбекистон ўзининг Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик ва тинчлик сақланишининг қатъий тарафдори эканлигини ҳамда тарихий тажрибани ҳисобга олиб, бу мамлакатга нисбатан анъанавий тарзда яхши қўшничилик ва дўстона сиёсат юритаётганлиги таъкидланади. Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик принципларига риоя этилиши тарафдори ва у билан ўз муносабатларини икки томонлама асосда, ҳар иккала мамлакатнинг миллий манфаатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган нормаларини ҳисобга олиб, Афғонистон халқи танлайдиган йўлни ҳурмат қилган ҳолда йўлга қўяди.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатларнинг фикрларига кўра, Концепцияда трансчегаравий сув ҳавзалари ресурсларидан фойдаланиш масалаларида Марказий Осиё мамлакатларининг ягона нуқтаи назари йўқлиги туфайли ушбу сув ҳавзаларидан фойдаланишнинг ҳал этилмаган ҳаётий муҳим муаммоларига ҳамда айрим давлатлар сувдан биргаликда фойдаланиш соҳасидаги давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормаларини инкор этаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Концепцияда таъкидланганидек, Ўзбекистон минтақадаги барча экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди.

Батафсил муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди, мазкур ҳужжат кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати.**

# Оқила, зукко ва ишбилармон

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий имкониятларини кенгайтиришга эътибор кучайтирилгани аёлларга хос бўлган меҳнат турларининг ривожланишига ҳам катта туртки бераяпти. Натижада илгари фақат оила даврасидагина машғул бўлинган фаолият турларига тадбиркорлик мақоми берилмоқда. Аёлларнинг ишбилармонлик истеъдодини юзага чиқаришда, айтиш мумкинки, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциациясининг муносиб ҳиссаси бор.

— Бизнинг нодавлат нотижорат ташкилотимиз Президентимиз ташаббуси билан 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, бу нафақат мамлакатимиздаги, балки Марказий Осиёдаги биринчи аёллар жамоат ташкилоти ҳисобланади, — дейди унинг раиси Гулнора Маҳмудова. — Ўтган 21 йил давомида аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг тадбиркорлик ва жамоат ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, молиявий, таълим-ахборот ресурсларидан фойдаланишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳаётий дастурларнинг изчил ижроси туфайли юртимизда ишбилармон ўзбек аёлининг замонавий қиёфаси яратилди.

Аслида, ҳар бир ўзбек аёлида ишбилармонлик қобилияти бор. Биз уни ривожлантириш, амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган даврда 100 мингдан ортиқ хотин-қизлар ўқитилиб, уларда касбий кўникма ҳосил қилингани бизнес фаолиятини йўлга қўйиш, аҳоли бандлигини таъминлашда қўл келаётир. Масалан, касбий кўникма бериш учун 40 мингдан ортиқ қиз-жувонлар ўқитилган бўлса, шундан 80 фоизи доимий ишга жалб этилди, 75 фоизи эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

## Ўзини оқлаган режа



Тошкентлик Дилбар Султонхўжаеванинг тадбиркор сифатида шаклланишида мазкур ассоциация томонидан ташкил этилган ўқувларнинг аҳамияти катта бўлди. У соҳага доир етарли билим ва кўникмага эга бўлгач, 1999 йилда "Natek" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. 20 та ишўрни яратилган ушбу корхонада кунжутдан шифобахш косметик ёғ ишлаб чиқарила бошланди.

— Бундай маҳсулот тайёрлаш мураккаб технологик жараённи, ўз навбатида, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишни талаб қилади, — дейди тадбиркор. — Қувонарлиси, биз хоҳлаган ускуналарни Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника институти олимлари томонидан яратилди. Улар ёрдамида кунига 500 килограмм юқори сифатли ёғ ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Ҳозирги пайтда бу ерда бодом, ўрик, шафтоли, узум данаклари ва седанадан ёғ ишлаб чиқарилаяпти. 25, 100, 200 миллилитрлик идишларга қадоқланаётган маҳсулотларга талаб бозорда ҳам талаб ортиб бораётир. Масалан, ўтган йили маҳсулотлар фақат АҚШга экспорт қилинган бўлса, жорий йилдан бошлаб Россия, Корея Республикаси ва бошқа давлатларга ҳам жўнатилиши мўлжалланаяпти.

Корхонада халқона усулда табиий совун ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани эса соҳада чинакам янгилик бўлди, дейиш мумкин. Гап шундаки, тадбиркорнинг изланиши туфайли қўл меҳнати ёрдамида қадимий совун тайёрлаш технологияси қайта тикланди.

Совуннинг асоси табиий ёғлар бўлиб, таркибига қараб, сут, асал, асалари сути, косметик каолин, сули, кофе, какао каби табиий маҳсулотлар, наъматак, далачой, мойчечак сингари шифобахш ўсимликлар қўшилиб, махсус аралашма тайёрланади. У қолипларга қуйилиб, 2 кун тиндирилади. Сўнгра қолипдан олиниб, таркибидаги ишқорлар реакцияга киришиши, яъни етилиши учун 2 ой давомида сақланади. Шундай кейингина 80 грамм оғирликда кесилиб қадоқланади. Бу жараёнда совунга қўшиладиган ёғ ва бошқа қўшимчаларнинг шифобахш хусусиятлари тўлиқ сақланиб қолади. Шунинг учун "Сезам" савдо белгиси остидаги маҳсулотларга талаб кун сайин ортиб бораяпти. АҚШ, Озарбайжон, Германия, Дания, Хитой, Беларусь, Корея Республикаси, Польша, Ҳиндистон давлатларидан қизиқиш билдирилаётгани ана шундан далолатдир.

Жамият жамоаси ортиб бораётган эҳтиёжни инобатга олиб, маҳсулотлар турини 30 хилга етказишди.

## Ният эзгу, мақсад ягона

Бугунги кунда "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциациясининг аъзолари 12 мингдан ошиб кетди. Хотин-қизлар етакчи бўлган корхоналарда 36 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам эҳтиёж катта. Ишни талабни ўрганган ҳолда ташкил этиш ва юритишда уюшманинг кўмаги беқиёс бўлаётир, албатта.

— Мамлакатимизда яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар туфайли аёлларнинг ўқишга, тадбиркорлик фаолиятига қизиқиши тобора ортмоқда, — дея сўзида давом этади Гулнора Маҳмудова. — Қувонарлиси, уларнинг нияти эзгу: ўзининг ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш.

Дарҳақиқат, илгари аёллар, асосан, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланишган бўлишса, айни пайтда сервис хизматлари кўрсатиш, савдо, қурилиш материаллари, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқларида фаолият юритишмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, бу жараёнга замонавий технологияларни жалб этишда ассоциация ташаббуси билан уюштирилаётган бизнес-форумлар, чет эл сафарлари муҳим аҳамият касб этаяпти. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида бир гуруҳ ишбилармонлар Германия, Малайзия ва Корея Республикасида бўлиб қайтишди.

Сафар давомида бу давлатларнинг иқтисодиёти билан яқиндан танишиш баробарида, Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Якунда ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришга замонавий асбоб-ускуналар, минитехнологияларни жалб этишга келишиб олинди. Хусусан, айни кунларда малайзиялик ишбилармонлар иштирокида иккита йирик лойиҳани амалга оширишга тараддуд кўрилмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ, ассоциация зиммасига 3 та аёллар бизнес инкубатори, 100 та оилавий тадбиркорлик субъекти ташкил этиш вазифаси юклатилган эди. Эътиборлиси, шу кунларда бизнес инкубаторлар ўз фаолиятини бошлаш арафасида турган бўлса, ишга туширилган оилавий бизнес субъектлари сони эса 80 дан ошди. Натижада 250 га яқин хотин-қизлар доимий иш билан таъминланди.

## Кичик бизнесга кўмак

Бизнеснинг асосини, шубҳасиз, капитал ташкил этади. Шу боис юртимизда соҳага йўналтирилаётган сармоялар ҳажми йил сайин оширилиб, тадбиркорларнинг инвестициявий лойиҳалари тижорат банклари томонидан молиялаштирилмоқда. Бироқ зарур ҳужжатларни тақдим этиш, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш учун ишбилармонларда етарли иқтисодий билим бўлиши зарур. Жойларда шунга йўналтирилган ўқувлар мунтазам ташкил қилинаётгани кутилган самарани бераяпти. Банклар билан бемалол муомалага кириша оладиган тадбиркор аёллар гуруҳи шаклланган, 2012 йилнинг биринчи чорагида хотин-қизларга 97 миллиард 874 миллион сўм микрокредитлар ажратилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 128 фоиз ўсишга эришилгани бунинг далилидир.

Жорий йил давомида эса ишбилармон аёллар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 365 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилиши режалаштирилаётгани уларга катта мадад бўлиши муқаррар.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оила ва маҳалла ҳамкорлиги

### кўплаб масалаларнинг ижобий ечимида ҳал қилувчи омилдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази, Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган маҳалла раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар қатнашди.

Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари такомиллаштирилди. Шунга мос равишда унинг вазифалари кўлами ҳам кенгайиб бораётир. Бу эса маҳалла институтини янада ривожлантириш, соҳада фаолият кўрсатаётган ходимлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш, бошқарувчилик ва ташкилотчилик маҳоратини оширишни тақозо этаяпти. Шундан келиб чиқиб, анжуман давомида иштирокчилар жамиятда маънавий-ахлоқий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтириш, оилалар барқарорлигига эришиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилалар билан ишлаш механизми, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш каби мавзуларда маърузалар тинглашди.

— Конференция қатнашчилари алоҳида гуруҳларга бўлиниб, интерфаол машғулотларга жалб этилгани унинг самараси ва ишчанлик руҳини таъминлади, — дейди Тўрткўл туманидаги "Туркистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулсара Бобониязова. — Уларда ўзимизни қизиқтириб келаётган кўплаб саволларга жавоб олдик. Натижада билим ва тушунчаларимиз янада бойиди. Эртага аҳоли билан мулоқотларда улар бизга қўл келиши тайин. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси ҳамда оилавий тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига доир машғулотлар, айниқса, ҳаммамиз учун фойдали бўлди.

Анжуманда, шунингдек, оила институти, унинг асрлар оша сайқал топиб келган қадрият ва анъаналарини мустаҳкамлашда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир қатор манфаатдор идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан ҳам таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маҳаллий Кенгашларда

*Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, шу орқали аҳоли манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг фаровон яшашларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараённинг муваффақиятли кечиши, шубҳасиз, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар ва доимий комиссиялар фаолиятининг изчиллигига бевосита боғлиқ. Зеро, сайловчи ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳаётий муаммоларни ечимини ўз вақтида ҳал қилиш, қонун ва қарорлар ижросини назорат қилиш ҳамда унинг аҳоли ўртасидаги кенг тарғиботига аҳамият қаратиш бугун ҳар бир депутат фаолиятида долзарб аҳамият касб этади.*

# Сайловчи манфаатларини таъминлаш

### фаолиятимизнинг бош мезони

Шу нуқтаи назардан айтганда, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари сайловчилар билдираётган ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги масалаларни ҳал қилишда депутатлик сўровидан самарали фойдаланмоқда. 2012 йилнинг биринчи чорагида вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари томонидан турли ташкилотлар раҳбарларига долзарб масалалар юзасидан 91 депутатлик сўрови юборилганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Муҳими, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Натижада 6 та қишлоққа ичимлик суви, 21 қишлоққа газ таъминоти яхшиланди. Ховос шаҳарчасидаги айрим ички кўчалар таъмирланди.

Маълумки, қонун ва қарорларнинг жойларда қандай бажарилаётгани устидан депутатлик назоратини ўрнатиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Сессияларда шу мақсадда йўлга қўйилган ҳоким ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш амалиёти ижобий натижа бермоқда. Жумладан, доимий комиссия йиғилишларида, вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармасининг аҳолига ичимлик суви етказиб бериш, Гулистон шаҳри ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригация бошқармасининг 2010 — 2011 йилларда амалга оширган ишлари, вилоят алоқа ва ахборотлаштириш ҳудудий бошқармасининг ахборот-коммуникация тизимида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Шу билан бирга, жойларда Инвестиция дастурининг ижроси бўйича ҳам назорат-таҳлил ўтказилиб, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга эътибор қаратилаётир. Натижада Боёвут туманидаги "Навбаҳор" қишлоғида 180 млн. сўмлик бюджет маблағлари ҳисобидан янги ичимлик суви қудуғи қазилиб, 1 км. масофада қувурлар ётқизилди.

Вилоят бўйича 19 та қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлашга Давлат бюджетидан 2090 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, 1 июнь ҳолатига кўра, 14 та қишлоқ ичимлик суви билан таъминланди ва бу ишлар учун 1374,6 млн. сўм маблағ сарфланди. Учинчи чорак якунида эса яна 5 та массивни ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган.

Вилоятимизда ижтимоий инфратузилмани янада равнақ топтириш, намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар барпо қилиш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида қабул қилинган Давлат дастурининг ижроси ҳам изчил таъминланмоқда. Хусусан, 2009 — 2011 йиллар мобайнида 317 нафар фуқаро замонавий ва шинам уй-жойлар билан таъминланди. Жорий йилда эса 4 та тумандаги 4 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 320 та тураржой қурилиши кўзда тутилган.

Комиссиямиз "Гулистон парранда" масъулияти чекланган жамияти ва Сирдарё туманидаги керамик плиткалар ишлаб чиқарувчи "Peng-Sheng" қўшма корхонасида ҳам дастурлар ижросини ўрганиб чиқди. Таҳлил натижаларига кўра, "Гулистон парранда" МЧЖ базаси негизида парранда етиштиришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича жами 2,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган. Натижада вилоятимиз аҳолиси тухум ва парранда гўшти билан тўлиқ таъминланиб, маҳсулотни четга сотиш имкони ҳам яратилмоқда. "Peng-Sheng" қўшма корхонасида эса жорий йилнинг олти ойида жами 1,8 млн. кв.м ёки 19,8 млрд. сўмлик керамик плиткалар ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 112,5 фоизга бажарилди. 2012 йилнинг январь — июнь ойларида бу ерда 17,7 млрд. сўмлик маҳсулот сотилган ва 1,7 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган.

Хулоса ўрнида айтганда, айни пайтда доимий комиссия аъзолари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, вилоятимиз аҳолисининг манфаатларини таъминлаш, уларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, сайловчининг таклифлари юзасидан вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, тегишли ташкилотларга юборилаётган сўровлар, шу асосда олиб борилаётган назорат тартибидаги юмушларимиз, табиийки, юртдошларимизнинг асосий омилидир.

**Жўрабек ШЎХБЕРДИЕВ,**
**халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси.**

# Шижоатли ва ташаббускор ёшлар

### келажагимизнинг ишончли эгаларидир

*Кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.*

## Анжуман

Унда Ҳаракат фаоллари, "Етакчи" ўқув маркази аъзолари, иқтидорли ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда ёш авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ёшларимиз ҳам бундай юксак ғамхўрликка жавобан ҳар жабҳада илғор ва ташаббускор бўлишга, она-Ватанимиз довруғини дунёга таратишга ҳаракат қилишаяпти. Табиийки, уларнинг эзгу мақсад ва режаларини рўёбга чиқаришларига кўмаклашиш "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади.

Анжуманда Ҳаракат томонидан йигит-қизларнинг фуқаролик позициясини юксалтириш бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Хусусан, айни пайтда "Камолот" ЁИҲ ёш авлод вакилларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу эса ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

— Шу йилнинг 20 июлидан 20 августигача тизимимизда "Концепцияни ўрганиш ойлиги" деб эълон қилинди, — дейди "Камолот" ЁИҲ раиси ўринбосари А. Умаралиев. — Мазкур ойликда ёшлар ўзаро истиқомат қилаётган ҳудудларда, бошланғич ташкилотларда ҳамда маҳалла ва овулларда концепцияни ўрганиш бўйича тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Бу эса юртимиздаги ислоҳотларнинг туб моҳиятини ёшларга янада кенг қамровда етказишда қўл келаётир.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Наманган томонларда

## Соғлом турмуш тарғиботи

***Наманганда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этиш мақсадида “Обод ва мустақил Ватанга муносиб фарзанд бўлайлик!” шиори остида спорт фестивали ўтказилди.***

Вилоят марказидаги “Камолот” ёшлар боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан ташкил этилган мазкур тадбирда ўқувчи ва талаба-ёшлар иштирок этдилар. Улар стол тенниси, шахмат ва шашка, мерганлик бўйича ўзаро баҳс олиб бордилар. Йигит-қизларнинг мақсад ва интилишларини ўзида муажассам этган “Юртим жамоли” мавзуидаги расмлар кўргазмаси, “Ўзбекистон — Ватаним менинг”, “Менинг оилам”, “Келажакдаги орзуим” мавзуларидаги танловлар эса фестивалга ўзига хос мазмун бағишлади. Якунда “Янги авлод”, “Келажак овози” танловлари ҳамда “Ниҳол” мукофоти совриндорлари иштирокида бадиий дастур тақдим этилди.

## Битирувчиларга янги иш ўринлари

***Норин туманида жорий йилнинг олти ойи давомида Бандлик дастури доирасида етти маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, 1542 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.***

Уларнинг 744 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Яқинда туманидаги педагогика коллежида навбатдаги ана шундай тадбир уюштирилди. Унда ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларининг 400 нафарга яқин битирувчиси қатнашди. Уларга 40 дан ортиқ ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари томонидан 452 та бўш иш ўрни таклиф этилди. Пировардида 365 нафар йигит-қиз иш берувчилар билан шартнома имзолашди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шарҳ

*Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қачон барҳам топади? Бугун жуда кўп давлатлар аҳолиси, айниқса, ривожланган йирик мамлакатлар фуқаролари шу саволга аниқ бир жавоб эшитишни хоҳлашмоқда. Чунки 2008 йилда бошланиб, ҳали-ҳануз ўзининг салбий таъсирини ўтказаётган глобал бўҳрон минг-минглаб одамларнинг ишсиз қолишига, ижтимоий аҳволи ёмонлашишига сабаб бўлди. Хусусан, қанчадан-қанча оилаларнинг даромади камайиб, турмуш шароити оғирлашди. Вазиятни ўнглаш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар эса ҳозирча кутилган натижани бергани йўқ ва аксарият мамлакатларда ўсиш суръатлари, ишлаб чиқариш ҳажми ҳамон пасайишда давом этмоқда. Давлат қарзлари ҳамда бюджет тақчиллиги тобора ортиб бораяпти.*

## Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози:
# Муаммолар ечими ҳамжиҳатликда

Бугун энг жиддий синовни бошидан ўтказаётган мамлакатлар — бу Европа Иттифоқи аъзоларидир. Гап шундаки, дастлаб Грецияда бошланиб, кейинчалик Португалия, Италия, Испания ва Ирландияда кузатилган иқтисодий танглик аҳволни шу қадар мураккаблаштириб юбордики, эндиликда улардаги молия-валюта тизими билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг имкони топилмаяпти. Устига-устак, назоратни қўлга олиш бўйича ягона иқтисодий модель ҳам ҳанузгача ишлаб чиқилгани йўқ. Эътибор берган бўлсангиз, сўнгги вақтларда “Катта саккизлик”, “Катта йигирмалик”ка кирувчи давлатлар вакиллари доирасида ўтказилаётган йиғилишлар, шунингдек, турли халқаро иқтисодий анжуманларда ҳам “кўҳна қитъа”даги инқироз муҳокама марказидаги асосий масала бўлиб қолмоқда. Лекин якдил бир қарор қабул қилишда фикрлар бир жойдан чиқмаяпти. Масалан, глобал бўҳрондан қаттиқ азият чекаётган Греция иқтисодиётининг қайта оёққа туриши учун молиявий ёрдам кўрсатиш борасидаги қарашлар хилма-хил. Кимдир бу вазиятда Болқон яриморолидаги ушбу давлатнинг еврохудудни тарк этиши энг мақбул йўл, деган фикрни билдираётган бўлса, айримлар Грецияга қўшимча кредит ажратиш мақсадга мувофиқ, деган ғояни илгари сурмоқда. Жумладан, яқинда Германия иқтисодиёт вазири бу масала бўйича ўз нуқтаи назарини қуйидагича ифодалади: “Афинанинг ягона валюта бирлиги таркибида бўлиши учун амалда ҳеч қандай имконияти қолмади. Боз устига, унинг еврохудудни тарк этиши бировни хавотирга солмай қўйганига ҳам анча бўлган. Грецияга нисбатан бундай ишончсизликнинг ортиши унинг халқаро кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаётгани билан боғлиқ. Шундай экан, яна молиявий ёрдам кўрсатиш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас...”

Европа Иттифоқи Комиссиясининг ёндашуви эса бутунлай бошқача. Яъни ташкилот “Греция еврохудудда қолиши шарт ва қолади ҳам” мазмунидаги қатъий позициясини илгари сурмоқда. Фақат Комиссия раҳбарияти Афинага навбатдаги иқтисодий мададни бериш учун аввал “учлик” деб аталадиган халқаро экспертлар гуруҳи — Европа Иттифоқи, Европа марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси вакилларидан таркиб топган миссиянинг хулосалари олиниши лозимлигини қайд этиб ўтди. Чунки сўнгги ойларда,





ҳақиқатан ҳам, Грецияда кредиторлар талаби билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар дастури ижросида бир оз сусайиш кузатилган. Аммо бу бутунлай Афинадан юз ўгириш учун асос бўла олмайди. Агар экспертлар ушбу жараённинг сабабларини атрофлича ўрганиб, Болқон яриморолидаги давлатга қўшимча кредит ажратиш мумкин, деган хулосага келишса, демак, ёрдам берилади.

Испаниядаги аҳвол ҳам мураккаб. Жорий йилнинг иккинчи чорагида бу ерда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,4 фоизга пасайган. Ишсизлик даражаси эса еврохудуддаги энг юқори кўрсаткич — 24,6 фоизга етган. Ҳукумат буни жуда яхши англаб турибди. Бироқ умумий аҳволни ўнглаш учун қаттиққўл иқтисодий сиёсатни қўллашга ва шу йўл орқали бюджет тақчиллигини қисқартиришга мажбур. Хусусан, ишлаб чиқилган янги тартиб бўйича қўшимча қиймат солиғини амалдаги 18 фоиздан 21 фоизгача ошириш, шунингдек, давлат идораларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ойлик маошини 7 фоизга, ишсизлар учун тўланадиган ёрдам пуллари ҳажмини эса 10 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Мутахассисларнинг изоҳлашича, бу Испанияга 3,5 миллиард евро миқдоридаги маблағни тежаб қолиш имконини беради. Мамлакат иқтисодиётини қайта жонлантиришда, албатта, ушбу маблағ сезиларли аҳамият касб этади. Аммо шундоқ ҳам ижтимоий аҳволидан норози кайфиятда юрган аҳоли учун мазкур янги қоида маъқул келмади. Буни Мадрид шаҳрида ўн минглаб одамлар иштирокида ўтказилган намойишлардан ҳам билиш мумкин...

Бугун дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари, йирик молиявий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли иқтисодчи ҳамда экспертлар жаҳонда мураккаб шароит сақланиб турганига қарамасдан, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ижобий натижаларга эришилаётганини алоҳида эътироф этишмоқда, бу ютуқларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилаётган “ўзбек модели”га катта қизиқиш билан қарашмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода пойтахтимизда ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференцияда юртимизда иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганини ўтган йил натижалари мисолида таъкидлаб, қуйидагича фикр билдирган эди: “Бу муваффақият, Европада ҳамон давом этаётган глобал муаммолар оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган мавҳум бир шароитни ҳисобга олганда, айниқса, ғоят катта аҳамият касб этади. Жадал иқтисодий ривожланишнинг муҳим асосларидан бири — бу Ўзбекистоннинг ташқи савдо позицияларининг мустаҳкамланиши ва ҳукуматнинг инвестиция ҳамда ислоҳотларга босқичма-босқич ёндашиши, аниқ стратегияга асосланган макроиқтисодий бошқарувидир. Ўзининг кенг қамрови билан ажралиб турадиган бундай ёндашув мамлакатни ташқи бўҳронлардан ҳимоя қилиш билан бирга, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлади”.

Дарҳақиқат, Президентимиз бошчилигида иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича танлаган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри экани яна ва яна ўз исботини топмоқда. Жорий йилнинг олти ойида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди. Хусусан, 2012 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 7,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 7,1 фоиз, қурилиш-пудрат ишларини 8,6 фоиз, чакана савдо айланмасини 12,5 фоиз, хизматлар кўрсатишни 14 фоиз, жумладан, пуллик хизматларни 16,2 фоизга ошириш ҳисобидан иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари таъминланди. Ўтган давр мобайнида республикамиз бўйича 510,5 минг янги иш ўринлари яратилди. Шундан 345 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда, жумладан, 62,7 мингтаси ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган 28 туманда ташкил этилгани эътиборлидир.

Бундай далил ва рақамларни истаганча келтириш мумкин. Лекин гап фақат рақамларда эмас. Асосийси, аҳоли даромади муттасил ошиб, турмуш даражаси тобора юксалиб бораётир. Булар узоқни кўзлаб, ҳар томонлама пухта ва мукаммал ишлаб чиқилган дастурлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси билан боғлиқ, албатта. Зеро, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида инсон қадр-қиммати, манфаатларини улуғлаш, юртни янада обод қилишдек эзгу мақсадлар мужассам.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

## Нефть қазиб олишда рекорд кўрсаткич

***Ўтган ҳафтада Нигерияда нефть қазиб олиш ҳажми бир кунда 2,7 миллион баррелга етказилди.***



Бу мамлакатда углеводород хом ашёси тайёрлаш борасидаги рекорд кўрсаткичдир.

Манбага кўра, кейинги йилларда Нигерияда “қора олтин” ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Бунга 2009 йилда ҳукумат Нигер дарёси дельтасида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширган жангариларни авф этгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Чунки босқинчилар ҳибсда ушлаб турилган вақтда уларнинг ҳамтовоқлари томонидан нефть объектларига мунтазам ҳужум уюштирилиб турилганди. Бу эса соҳа ривожига тўсиқ бўлаётганди.

## Совғага яна бир машина

***“Рено” (Франция) автомобилсозлик компаниясининг Испания давлатидаги бўлими “Лагуна” ва “Эспейс” русумидаги автомобилларни сотиб олган ҳар бир харидорга “Твизи” маркали электр қуввати билан ҳаракатланувчи машина совға қилинишини билдирди.***

Компания вакилининг айтишича, ушбу лойиҳа юқоридаги русумлар савдосининг оммалашишига ва электр автомобилларга бўлган қизиқишнинг ошишига хизмат қилади.

“Рено” ҳозир “Твизи” маркасининг икки хил модификациясини ишлаб чиқармоқда. Улардан бири соатига 45, иккинчиси 80 километр тезлик билан ҳаракатлана олади. Ҳар икки модель бир марта қувват олиш ҳисобига 100 километр масофани босиб ўтади.

Эътиборли жиҳати, Европа мамлакатларида ушбу автомобилларни ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмай ҳам бошқариш мумкин.

## Янги самолётлар сотиб олади

***Сингапурнинг “Сингапур Эйрлайнс” авиакомпаниясининг минтақавий бўлинмаси ҳисобланган “Силкэйр” 54 та замонавий самолёт сотиб олишини маълум қилди.***

Умумий қиймати 4,9 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган битимга кўра, 23 та “Боинг 737-800” ва 31 “Боинг 737 Макс” лайнерлари мазкур авиакомпания паркини тўлдиради.

Томонларнинг ўзаро келишувида ишлаб чиқарувчи самолётларни 2021 йилга қадар буюртмачига етказиб бериши кўзда тутилган.

Ҳозир “Силкэйр” авиапаркида жами 21 лайнер бўлиб, уларнинг ҳаммаси “Эйрбас” компанияси маҳсулотлари ҳисобланади.

## Пойгалардаги кўнгилсизликлар

***АҚШнинг Пенсильвания штатидаги “Pocono Raceway” автодромида ўтказилган пойга кўнгилсизлик билан якунланди.***




Гап шундаки, 3 август куни ташкил этилган мусобақа тугаши билан кучли чақмоқ келиб урилган. Бунинг оқибатида бир нафар одам ҳаётдан кўз юмган, тўққиз киши тан жароҳати олган.

Якшанба куни ўтказилган пойга дастури эса тинимсиз ёққан ёмғир туфайли қисқартирилди. Яъни пойгачилар 98 та айланадан сўнг мусобақани тўхтатишга мажбур бўлдилар. Аслида эса ғолиб 160 та айланада аниқланиши керак эди.

“Pocono Raceway” автодроми 1971 йилда очилган бўлиб, у ҳар йили бир қатор нуфузли халқаро турнирларга мезбонлик қилади. Жорий йилда ҳам бу ерда “NASCAR” пойгаларининг бир нечта босқичини ўтказиш кўзда тутилган.

## Меҳнат шартномаларини бекор қилади

***Япониянинг “Шарп” корпорацияси яқин саккиз ой ичида беш минг нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилади.***

Маъмуриятнинг бундай қарорга келишига жорий йилнинг иккинчи чораги 1,27 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлангани сабаб бўлди. Бундай салбий кўрсаткич суюқ кристалли дисплей(экран)ли телевизорларнинг савдоси оммалашмагани туфайли кузатилди.

“Шарп” 1950 йилдан бери иш ўринларини қисқартириш борасида бу каби йирик ислоҳотни амалга оширмаган эди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

Реклама ва эълонлар

**«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 18 январдаги 10-1117-17721-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон вилояти, Асака тумани, «Шаҳар Лизинг» МЧЖга тегишли, Асака тумани, «Ўзбекистон» ҚФЙ, Т. Алиев маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1760,5 кв.м., қурилиш майдони 1464,5 кв.м., фойдали майдони 1327,2 кв.м. бўлган А, Б, В, В1, Г, Г2 литерлардаги бино-иншоотлар.

*Бошланғич баҳоси — 828 012 750 сўм.*

**2.** Андижон вилояти хўжалик судининг 2011 йил 25 январдаги 17-1009/17028-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон вилояти, Асака тумани, «Асака Меркурий» МЧЖга тегишли, Асака тумани, «Зарбдор» ҚФЙ, Янгиобод маҳалласи ҳудудида жойлашган, жами қурилиш майдони 2207,2 кв.м., шундан жами фойдали майдони 964,44 кв.м. бўлган Д, Е, Ш, П, Р литерлардаги бино-иншоотлар.

*Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.*

Қизиқиш билдирган талабгорлар бино-иншоот(кўчмас мулк)лар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси 2012 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да Давлат мулки қўмитаси Андижон ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 4 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2012 йил 18 сентябрь, 2 октябрь ва 16 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо куни бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 107-хона.

Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги гаров пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Rieltor ekspress konsalting» МЧЖнинг «Трастбанк» ХОАББ Андижон шаҳар филиалининг МФО: 01074, СТИР: 302067760, 20208000704927796001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Маълумот учун манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.**
**Мўлжал: Давлат мулки қўмитаси Андижон ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават, 107-хона.**
**Телефон: (+998 93) 910-11-12.**

1282А/1201

Лицензия: RR-0026.

**РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**
**“КЧМ” ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ**
**ШУНИНГДЕК:**
Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича
**КАФЕЛЬ**
(девор ва пол учун)
**САНТЕХНИКА**
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
**ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРМАР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)**
**Тел.: (+99893) 546-87-45, тел./факс: 267-35-73.**
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru
1260R/961

**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**
**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**КАРБИД Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97

Tsh 64-20438253-01: 2011
**ООО «TAYFUN PLASTIK»**
*ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:*
**ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ**
«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные
Ф/О — безналичный расчет
*ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:*
**КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах**
для производства полипропиленовых мешков,
из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.
может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.
**Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.**
**КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ**
291R/161

**«URUG-INVEST» ҚК**
**КЎСАК ҚУРТИГА қарши юқори самарали «ВИРИН ХСК» биологик воситасини таклиф қилади.**

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, зараркунандаларнинг табиий кушандалари ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

Ушбу препарат ғўза, маккажўхори ва бошқа экин майдонларидаги айнан кўсак қуртига қарши 7 — 10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва препарат қўлланилган далаларда 1 — 2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

**Батафсил маълумот учун: www.semena.uz, телефонлар: (8-371) 234-42-17, (+99890) 920-32-99, (+99890) 920-29-74, факс: (8-371) 234-62-45.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 8-уй.**
1172R/873

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси енгил атлетика, оғир атлетика ва велоспорт назарияси ва услубияти кафедрасининг профессори

**Ропижон ҚУДРАТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали ЁАЖ мусиқий дастурлар студияси катта муҳаррири Баҳром Юсуповга турмуш ўртоғи

**Мардона ЮСУПОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Kafolat” davlat-aksiyadorlik sug‘urta kompaniyasi (OAJ) жамоаси Сирдарё вилояти филиали директори Комил Абдураҳимовга падари бузруквори

**КЕЛДИЁР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Олимпиада кундалиги

**XXX ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган бокс мусобақаларида чорак финалда иштирок этувчи чарм қўлқоп усталарининг номлари маълум бўлди.**

# Вакилларимиз чорак финалда

Қувонарлиси, мазкур босқичда беш нафар ҳамюртимиз Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Бундай муваффақиятга дастлаб Фазлиддин Ғойибназаров, Аббос Атоев ва Жасурбек Латипов эришганди. Шанба куни эса Элшод Расулов ҳамда Ўктамжон Раҳмонов ўз ғалабалари билан мухлисларни хурсанд қилдилар.

Ўктамжон Раҳмонов (-64 кг.) чорак финал йўлланмаси учун бўлган баҳсда туркиялик Якуб Сенерни 16:8 ҳисобида мағлубиятга учратди. У навбатдаги беллашувни кубалик Рониель Иглесиас Сотолонгога қарши ўтказади.

Элшод Расулов (-81 кг.) Лондон Олимпиадасидаги биринчи жангини тунислик Яхё Элмекачарига қарши ўтказиб, ишончли ғалабага (13:6) эришди. Унинг кейинги баҳсдаги рақиби россиялик Егорь Мехонцов бўлади.

Боксчиларимиз иштирокидаги баҳслар 8 август куни ўтказилади.

# Медаллар учун баҳслашади

***Кеча Олимпиада дастуридан ўрин олган 1000 метр масофага каноэда эшкак эшиш баҳслари бўлиб ўтди.***

Унда спортчилар финал йўлланмалари учун кураш бордилар. Мазкур беллашувларда қатнашган ватандошимиз Вадим Меньков совринли ўринлар учун баҳсни давом эттириш имкониятига эга бўлди. Мазкур спорт тури бўйича ғолиб ва совриндорлар 8 август куни аниқланади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Қишлоқ шифохоналари

## аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий қулайликлар билан таъминланмоқда

*Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмонан ҳамда маънан баркамол авлодни вояга етказиш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири саналади. Президентимизнинг бу эзгу мақсад рўёбига қаратилган қарор ва фармонлари, давлат дастурлари ижросини таъминлаш доимий эътиборда.*

### Саломатлик



Хусусан, вилоятимиз ҳокимлиги ҳузурида тузилган жамоатчилик кенгаши жойларда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳолати, қишлоқ врачлик пунктлари моддий-техник базасининг аҳволи, уларнинг малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси каби масалаларни мунтазам ўрганиб, тегишли йўл-йўриқ ва таклифлар бермоқда. Чунончи, қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, вилоятимиз аҳолисининг салкам 62 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Бу борадаги ишларни амалга оширишда бизга “Саломатлик-2” лойиҳасида кўзда тутилган тадбирлар қўл келмоқда.

Барча ҚВПларга вилоятдаги малакали мутахассислар — акушер-гинеколог, педиатр, терапевт ва умумий амалиёт шифокорлари бириктирилган бўлиб, улар томонидан аёллар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ шифо масканларида ишлаётган 3400 нафардан зиёд ҳамшира “Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш” лойиҳаси доирасида малака оширганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

*Вилоятимизда айни дамда қишлоқ врачлик пунктлари сони 342 тани ташкил этади. Уларнинг 136 таси янгидан қурилди. ҚВПлар замонавий ЭКГ, ФЭК, микроскоп, автоклав, қуруқ ҳаво билан зарарсизлантириш шкафлари, дистиллятор, музлаткичлар, термосумка ва бошқа зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Яъни “Саломатлик-2” лойиҳаси асосида ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига 4,5-5 минг АҚШ доллари миқдорида жами 4,4 миллиард сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар ажратилди. Ушбу лойиҳа доирасида ҚВПларга “Дамас” русумли 21 автомашина берилгани ҳам айни муддао бўлди.*

Вилоятда намунали қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш борасида ҳам муайян тажриба тўпланди. Ҳар йили республика Дермато-венерология илмий текшириш маркази ҳамда Бухоро давлат тиббиёт институтига жами ўттизта қишлоқ шифо маскани ажратиб берилаяпти. Ушбу масканларни намунавий ҚВПларга айлантириш борасида низомда кўрсатилган барча ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ҚВПларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий даволаш стандартларини жорий этиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришдан иборатдир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган “Энг намунали ҚВП”, “Энг намунали умумий амалиёт шифокори”, “Энг яхши патронаж ҳамшираси” сингари кўрик-танловларда ҳам вилоятимиз вакиллари фаол иштирок этишмоқда.

Бугунги кунда қай бир қишлоқ врачлик пунктига борманг, унинг замонавий, кўркам бинода жойлашганига гувоҳ бўласиз. Илғор тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифо масканларида қишлоқ аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Ваҳолонки, илгари оддий қон таҳлили учун ҳам беморни узоқ йўл босиб шаҳарга олиб боришга тўғри келар, одамлар анчамунча ташвишга қолишарди. Эндиликда тиббий хизмат элга яқинлашди, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг ишончли тизими яратилди. Бу, эса Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислоҳотларнинг ёркин самарасидир.

**Икром АМОНОВ,**
**Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.**

## АКТ янгиликлари

***Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси интернет тармоғидаги www.antimon.uz сайтини янгилади. Эндиликда у ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият юритмоқда.***

# Ишончли, тезкор ва қулай

Янги сайт орқали қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кенг жамоатчиликка батафсил маълумот ва ахборотлар бериб борилади. Хусусан, мамлакатимизда соғлом рақобат муносабатларини ҳимоя қилиш, монополияга қарши кураш, хусусий секторни жадал ривожлантириш, иқтисодий ночор ва монополист-корхоналарни таркибий ўзгартириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир янгиликлар шулар сирасига киради.

Веб-сайт кенг жамоатчилик, жумладан, истеъмолчилар ва тадбиркорлар саволларига аниқ жавоблар бериш, мультимедиа воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда янги интерактив хизматларни йўлга қўйиш фаолияти билан ҳам шуғулланади. Бундан ташқари, сайтда ўз малакасини ошириш истагини билдирган шахсларга суд бошқарувчиларини тайёрлаш курсларида ўқиш учун рўйхатдан ўтиш тартиби, ҳужжатлар топшириш бўйича маълумотлар жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг янги веб-сайти нафақат истеъмолчилар ва хусусий тадбиркорлар учун, балки давлат органлари, хорижий фуқаролар ҳамда бошқа фойдаланувчилар учун ҳам ишончли манба бўлиши, шубҳасиз.

**Саодат УСМОНОВА.**

# Барча учун керакли манба

***Юртимиз ҳаётига доир барча маълумотларни ўзида жамлаган www.desk.uz сайти ишга тушди.***

Мазкур тармоқ мамлакатимиз аҳолиси учун яратилаётган интерфаол лойиҳалардан бири бўлиб, у UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ишлаб чиқилди.

Desk.uz сайтидаги маълумотлар билан “ягона ойна” шаклида танишиш имконияти мавжуд. Ундан юртимиздаги 200 дан зиёд веб-саҳифалар ўрин олган.

**Ойбек АЗИМОВ.**

# Она юрт мадҳи

*Ўзбекистон давлат консерваториясида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизими муассасалари ходимлари ўртасидаги саралаш босқичи бўлиб ўтди.*

### Танлов

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилган ҳудудий босқичларда қатнашган 7 минг нафарга яқин иштирокчи орасидан ғолибликни қўлга киритган 40 нафардан зиёд маҳоратли ижрочилар, ҳаваскорлик, академик ва халқ бадиий жамоалари вакиллари иштирок этди.

Навқирон авлод қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришда, уларни юртпарвар, фидойи инсонлар этиб тарбиялашда “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови муҳим ўрин тутади. Истиқлолни, Ватанни, бунёдкор халқимизни мадҳ этувчи юксак савиядаги мусиқий асарларни яратишда яқиндан кўмаклашишда, ижодкорлар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида мазкур ижодий танловнинг аҳамияти катта.

Танловда иштирокчиларнинг ижрочилик маҳорати, қўшиқлар матни ва мусиқаси ҳамда уларнинг саҳна маданияти мутахассислар томонидан баҳолаб борилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, биринчи ўринга Фарғона вилоятидан Наримон Мирзабоев ва Қорақалпоғистон Республикасининг “Квартет” гуруҳи лойиқ топилди. Иккинчи ўринга эса Тошкентдан Шерзод Ортиқов ва Сирдарёдан Умида Ҳамидова сазовор бўлди. Учинчи ўрин Умида Мирҳамидова (Тошкент вилояти), Шаҳзод Ходжаков (Сурхондарё), Алижон Маматқодиров (Навоий) ҳамда Жаҳонгир Турсунов (Қашқадарё)га насиб этди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**М. ХОЛМАТОВА.**

● Реклама ва эълонлар ●

O‘ZSANOATQURILISHBANK
хизматлар лицензияланган

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
қуйидаги ОМОНАТ турларини таклиф этади!



«ОИЛА КАПИТАЛИ»
номли АҚШ долларидаги жамғарма омонати

Мазкур омонатга маблағлар АҚШ долларида нақд қабул қилинади.
Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой.
Омонатнинг минимал миқдори — 300 АҚШ доллари ва максимал миқдори чегараланмаган.
Омонатнинг сақлаш муддати оралиғида қўшимча маблағ қабул қилинади.
Омонатга фоиз миллий валютада кунлик ҳисобланади ва ҳар ойда тўлаб борилади.



«ЭКСПРЕСС ТЎЛОВ»
номли миллий валютадаги жамғарма омонати

Омонатга маблағлар нақд пулда, нақд пулсиз иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар кўринишида, шунингдек, бошқа омонатларни қайта расмийлаштириш орқали қабул қилинади.
Омонат муддати — 36 ой.
Омонатнинг сақлаш муддати оралиғида қўшимча пул маблағи қабул қилинади.
Омонатнинг минимал миқдори — 50 000,0 сўм ва максимал миқдори — 2 500 000,0 сўм.
Омонатга фоизлар кунлик ҳисобланади ва ҳар ойда тўлаб борилади.
Омонат қолдиғи ва ҳисобланган фоиз маблағлари банкда ташкил этилган «Интернет банкинг» ва «СМС тўлов» чакана тўловлар тизимлари орқали товар ва хизматларни сотиб олиш учун йўналтирилиши мумкин.

даромад олинг!

«БАРКАМОЛ АВЛОД»
номли миллий валютадаги муддатли омонати

Омонатнинг сақланиш муддати — 2 ой.
Омонатнинг минимал миқдори — 200 000 сўм, максимал миқдори чегараланмаган.
Омонатга фоизлар кунлик ҳисобланади ва ҳар ҳисобот ойи тугагандан сўнг берилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган. Мурожаат учун телефон: (8-371) 120-45-24. Веб-сайт: www.uzpsb.uz
1276R/959

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?
Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?
Унда шошилиб таваккал қилманг.
Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MChJ



Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.
Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.
Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.
«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Лицензия: RR-0001.
563R/1441

Унутманг!
«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.
Мурожаат қилинг ва барака топинг!

## ОБ-ҲАВО
(7 август)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +20 +23 | +36 +39 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +20 +23 | +36 +39 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +20 +23 | +36 +39 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +20 +23 | +36 +39 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +19 +22 | +35 +38 |
| Тошкент шаҳрида | +20 +22 | +36 +38 |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5